



100035, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ 6, 122–уй, 1–хонадон.

тел: 8 (371) 234–07–61

Лицензия № 00812, Ўз. Р. Молия Вазирлиги, 11.04.2019 йил.

Ҳисоб рақами № 20208 000 504 191 729 001

АТ «АЛОҚА БАНК», МФО 00401

СТИР 204 078 701

**Чет эл инвестицияси иштирокидаги**  
**«TOSHKENTVINO KOMBINATI»**  
**акциядорлик жамиятининг 2020 йил молиявий фаолияти**  
**бўйича ўтказилган аудиторлик текширувига**

***AУДИТОРЛИК ХУЛОСА***

**Тошкент – 2021**

## Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Чет эл инвестицияси иштирокидаги  
«TOSHKENTVINO KOMBINATI»  
акциядорлик жамияти раҳбариятига  
(СТИР 200547634, Тошкент шаҳри, Истикбол кучаси, 45–уй.)

Мен МChJSh «DIPLOMAT AUDIT» аудиторлик ташкилотининг (Адлия вазирлигидан 10.08.2002 йилда №804 реестр рақам (06.03.2007 йилда №804 рақам билан қайта ўтган), №00812 11.04.2019 йилда Молия вазирлигидан берилган, 20208000504191729001, АТ «ALOQA BANK» Амалиёт бошқармаси, банк коди (МФО) 00401) директори (аудитори) Боймирзаев З.Қ. (№05312, Ўз.Р МВ 02.05.2015 йилда берилган) томонидан хўжалик юритувчи субъект ЧЭИИ «TOSHKENTVINO KOMBINATI» АЖнинг «Бухгалтерия баланси» 1–шакл, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2–шакл, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» 4–шакл ва «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» 5–шаклдан иборат 2020 йиллик 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Мен ЧЭИИ «TOSHKENTVINO KOMBINATI» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Мен аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш менинг мулоҳазамнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблайман.

### Ижобий фикр

Менинг фикримча хўжалик юритувчи субъект ЧЭИИ «TOSHKENTVINO KOMBINATI» АЖнинг 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий–хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ҳамда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.



Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Боймирзаев З.Қ.

30.04.2021 йил.